

Рамазон тухфаси: «Мусулмон йигит-қизларнинг намоз китоби»



05:00 / 02.02.2015 3910

Рамазон тухфаси: «Мусулмон йигит-қизларнинг намоз китоби»

Москвада фаолият кўрсатаётган «Ҳилол» нашриёт уйи янги китоб чоп этди. Хорижда яшаётган кўплаб юртдошларимизнинг илтимосларига биноан ўзбек тилидаги «Намоз энг улуғ ибодат» китоби нашр этилди. Ушбу китобча асосан намоз ўқишни энди бошлаётган йигит-қизлар учун

мўлжалланган бўлиб, унда динимизнинг арконлари ҳақидаги энг муҳим маълумотлар, ҳар бир мусулмон киши билиши лозим бўлган масалалар қисқача баён қилинган. Китобнинг асосий қисми эса таҳорат, ғусл ва намоз ўқиш тартибларига бағишланган. Ҳар бир ибодатнинг, ҳар бир амалнинг бажарилиши суратлар билан тушунарли ва содда қилиб кўрсатиб берилган. «Мусулмон йигит-қизларнинг намоз китоби» деб номланган ушбу китобча «Ҳилол» нашриёт уйининг барча диндошларимиз учун муборак Рамазон тухфаси бўлди.

«Ҳилол» нашриёт уйининг маҳсулотларини сотиб олишга оид батафсил маълумотларни [русча сайтимиздан](#) олишингиз мумкин.